Андижон шахри

# ШАРТНОМА №05/2

« 18 » май 2022 йил

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи Андижон шахар тиббиёт бирлашмаси номидан низом асосида фаолият олиб борувчи М.М.Мирзаахмедова бир томондан ва бундан буён «ТАЪМИНОТЧИ» деб аталувчи **"REAL LIFE BG" MCHJ** номидан низом асосида фаолият олиб борувчи **Х.Вахабов** бошқа томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан «ТАЪМИНОТЧИ» қуйидаги шартларга мувофиқ товарларни етказиб беришни "Буюртмачи" эса товарларни қабул қилади ва тўлайди,:

| № | Махсулотлар номи | ўлчов бирлиги | миқдори | нархи | қиймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Духовка Ideal | Дона | 20 | 965000 | 19300000 |
| 2 | Кир ювиш машинаси артел (пол автомат) | Дона | 5 | 2175000 | 10875000 |
| 3 | Телевизор 32 Primer | дона | 4 | 2980000 | 11920000 |
| | Жами : | | | | **42 095 000** |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **42 095 000** (Кирк икки миллион туксон беш минг) сўмни ташкил қилади

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 20 календар куни ичида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб тўловлар кетма-кетлигига амал қилган ҳолда шартнома умумий суммасидан 30 % миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 90 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

2.2. »ТАЪМИНОТЧИ» аванс маблағлари Бажарувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. «ТАЪМИНОТЧИ» амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда «ТАЪМИНОТЧИ» иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Бажарувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контракда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Бажарувчидан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Бажарувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Бажарувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни беғараз бартарф этиш;
- Бажарувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Бажарувчи қуйидаги хуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;
- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;
- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Бажарувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;
- савдолар ғолиби бўлган Бажарувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган Бажарувчи билан шартнома тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);
- томонлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек Бажарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи Бажарувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, Бажарувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи махсулот Бажарувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи Бажарувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Бажарувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;
- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича Бажарувчи

буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Бажарувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима Бажарувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар Бажарувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун Бажарувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин Бажарувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги Бажарувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва бахсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, ҳудудий ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9.КОРРУПСИЙАГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1.Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупсияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

9.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Йетказиб берувчининг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Йетказиб берувчининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив хужжатларининг Коррупсияга карши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя етиш мажбуриятини олади.

## 10. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

**ТАЪМИНОТЧИ**
**"REAL LIFE BG" MCHJ**

**Манзил: Андижон шахар Навруз 33**
**СТИР: 306788921 ОКОНХ: ________**
**Шх/в: 2020 8000 4051 3302 3001**
**Банк номи: «Ипотекабанк» Андижон вилоят филиали**
**МФО:00059**

**М.У.** Рахбар: ____________ Х.Вахабов

**БУЮРТМАЧИ**
**Андижон шахар тиббиёт бирлашмаси**
**Манзил: Андижон шахар Ю.Отабеков 1**
**СТИР: 200237015 ОКОНХ: 91514**
**Шх/в: 100022860034017072120054011**
**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги**
**Банк номи: Марказий банк ББ ХККМ Тошкент ш**
**Ягона Ғазначилик хисобвараги СТИР: 201122919**
**х/р: 23402000300100001010, МФО:00014**

Рахбар: ____________ М.М.Мирзаахмедова

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: KB6408277710

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1. Loyihaning turi:**
Shartnoma.

**2.Loyihaning nomi:**
Maishiy texnika sotib olish berish to'g'risida.

**Andijon shahar tibbiyot birlashmasi** bilan **"REAL LIFE BG" MCHJ** maishiy texnika sotib olish yuzasidan O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yildagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli qonunining 70-72-moddalariga asosan, eng yaxshi taklifni tanlash ta'moyili asosida doirasida **42 095 000** (qirq ikki million to'qson besh ming) so'mga tuzilayotgan shartnoma loyihasi.

**Asos:** 22.04.2021-yildagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli qonunining 70-72-moddalari, 16.05.2022-yil kungi 82669-sonli lot bo'yicha elektron g'oliblik bayonnomasi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana:**
Andijon shaxar tibbiyot birlashmasi. 16.05.2022-yil.

**Shartnoma loyihasini o'rganish yuzasidan,**

### XULOSA

Shartnoma loyihasi amaldagi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi va O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Shartnoma yuzasidan kelib chiqadigan oqibatlarga bosh yuristkonsult javobgar emas.

**Andijon shahar yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:** **U.Karabaeva**

**18.05.2022-yil.**

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 82669 на приобретение Андижон шахар тиббиёт бирлашмаси ходимларини байрам муносабати билан тағдирлаш максадида маиший техникалар сотиб олиш

Способ проведения электронный

Дата 16.05.2022

Время рассмотрения 16.05.2022 18:05

Конкурсная комиссия Андижон шахар тиббиёт бирлашмаси Марказлашган хисобхона, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MIRZAAXMEDOVA MALIKA MANNAPOVNA | Андижон шахар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи | Андижон шахар тиббиёт бирлашмаси |
| **Секретарь комиссии** | ZIYADINOV BAXTIYORJON ABDULLAJONOVICH | Давлат ва корпоратив харидлари буйича мутахассис | Андижон шахар тиббиёт бирлашмаси |
| **Член комиссии** | ALIMOVA GULLOLA SHARABIDINOVNA | Бош хамшира | Андижон шахар тиббиёт бирлашмаси |
| **Член комиссии** | YODGOROV SANJARBEK SOIBJONOVICH | Бош хисобчи | Андижон шахар тиббиёт бирлашмаси |
| **Член комиссии** | MAMADALIYEV FARRUX JABARALIYEVICH | Бошлиқ ўринбосари | Андижон шахар тиббиёт бирлашмаси |
| **Член комиссии** | MAXKAMOV MULLAJON MIRZAYEVICH | Хўж.иш.мудири | Андижон шахар тиббиёт бирлашмаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.05.2022 года № лота 82669.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 50.00 / Весовой коэф. ценовой части: 50.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Духовой минишкаф** |
| Подробное описание | "Полезный объем духовки 38 л Приспосабливаемый по термостату (° С 50300) есть Релейный выключатель есть Вверх и вниз по нагревательному элементу есть Механический таймер есть Вниз с нагревательным элементом соглашаются эмалированное покрытие Лампа духовки есть Куриный гриль есть" |
| Количество товара | 20.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 985 000.00 |
| Стартовая сумма | 19 700 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Машины стиральные бытовые** |

| | |
|---|---|
| Подробное описание | Кир ювиш Машинаси 60 "Объем загрузки при стирке (сухое белье), кг 6,0 Объем загрузки при отжиме (влажное белье), кг 3,6 Максимальное время стирки белья, мин 15,0 Максимальное время отжима белья, мин 5,0 Максимально допустимая температура воды 50°С Максимальное давление воды, МПа 0,6 Тип слива с помощью насоса ЭНЕРГОПОТРЕБЛЕНИЕ Потребляемая мощность при стирке, Вт 320,0 Потребляемая мощность при отжиме, Вт 125,0 Мощность водяного насоса, Вт 30,0 Источник питания 220 В / 50 Гц" |
| Количество товара | 5.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 2 297 000.00 |
| Стартовая сумма | 11 485 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Телевизор** |
|---|---|
| Подробное описание | Телевизор 32 "Диагональ: 32'' (81 см) Дисплай: HD (1366x768) Частота кадров: 60 fps Смарт ТВ: есть Андроид: 9,0 Память: 8 гб Оперативная память (RAM): 1 гб Тип матрицы: CSOT Официальная сервисная гарантия: 2+1 годы Дизайн: без рамочный" |
| Количество товара | 4.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 3 087 000.00 |
| Стартовая сумма | 12 348 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов шартларида кўрсатилган иш хизматларни сифатли бажариш ёки махсулотларни сифатли кўрсатилган талаблар асосида етказиб бериш

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов шартларида кўрсатилган иш хизматларни сифатли бажариш ёки махсулотларни сифатли кўрсатилган талаблар асосида етказиб бериш

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО REAL LIFE BG** | 10 | Юкорида курсатилган махсулотларни тулик сифатли етказиб берилади | 7 | Экспертная | | |
| **ООО MB PARTNERS BRILLANT** | 10 | гувохнома | 9 | Экспертная | | |
| **ООО ONLINE SHOP** | 10 | 37022216 | 10 | Экспертная | | |
| **OSCAR MEBEL AND MCHJ** | 10 | Танлов шартларида кўрсатилган иш хизматларни сифатли | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бажариш ёки махсулотларни сифатли кўрсатилган талаблар асосида етказиб бериш | | | | |

Критерий №2 Корхонанинг давлат руйхатидан ўтганлиги тугрисида гувохнома ва рахбар паспорт нусхаси (ташкилотнинг мухри билан тасдикланган холда)

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонанинг давлат руйхатидан ўтганлиги тугрисида гувохнома ва рахбар паспорт нусхаси (ташкилотнинг мухри билан тасдикланган холда)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО REAL LIFE BG | 10 | Давлат руйхатидаг утган корхона | 10 | Экспертная | | |
| ООО MB PARTNERS BRILLANT | 10 | 10 | 9 | Экспертная | | |
| ООО ONLINE SHOP | 10 | 37022216 | 10 | Экспертная | | |
| OSCAR MEBEL AND MCHJ | 10 | Корхонанинг давлат руйхатидан ўтганлиги тугрисида гувохнома ва рахбар паспорт нусхаси (ташкилотнинг мухри билан тасдикланган холда) | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Бюджет ва бюджетдан ташкари жамгармалардан карздорлиги йуклиги тугрисида маълумот (солиқ идорасидан)

Тип: Текстовое значение

Описание: Бюджет ва бюджетдан ташкари жамгармалардан карздорлиги йуклиги тугрисида маълумот (солиқ идорасидан)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО REAL LIFE BG | 10 | налогдан карзи мавжуд эмас | 10 | Экспертная | | |
| ООО MB PARTNERS BRILLANT | 10 | 10 | 9 | Экспертная | | |
| ООО ONLINE SHOP | 10 | 37022216 | 2 | Экспертная | | |
| OSCAR MEBEL AND MCHJ | 10 | Бюджет ва бюджетдан ташкари жамгармалардан карздорлиги йуклиги | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | тугрисида маълумот (солиқ идорасидан) | | | | |

Критерий №4 Иштирокчининг банклардан карздорликлари (картотека-2) йуклиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг банклардан карздорликлари (картотека-2) йуклиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО REAL LIFE BG | 10 | карздорлик йук | 10 | Экспертная | | |
| ООО MB PARTNERS BRILLANT | 10 | 10 | 9 | Экспертная | | |
| ООО ONLINE SHOP | 10 | 37022216 | 2 | Экспертная | | |
| OSCAR MEBEL AND MCHJ | 10 | Иштирокчининг банклардан карздорликлари (картотека-2) йуклиги тугрисида маълумот | 5 | Экспертная | | |

Критерий №5 Етказиб бериш муддати, сифати ва бошка кушимча таклифлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Етказиб бериш муддати, сифати ва бошка кушимча таклифлар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО REAL LIFE BG | 10 | 2 кун муддат ичида етказиб берилади | 10 | Экспертная | | |
| ООО MB PARTNERS BRILLANT | 10 | 10 | 8 | Экспертная | | |
| ООО ONLINE SHOP | 10 | 37022216 | 10 | Экспертная | | |
| OSCAR MEBEL AND MCHJ | 10 | Етказиб бериш муддати, сифати ва бошка кушимча таклифлар | 5 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| ООО ONLINE SHOP | 43 533 000.00 | 37 022 216.00 | 13.05.2022 15:20:05 | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **OOO REAL LIFE BG** | 43 533 000.00 | 42 095 000.00 | 10.05.2022 17:48:19 | 50.00 |
| **OOO MB PARTNERS BRILLANT** | 43 533 000.00 | 42 400 000.00 | 10.05.2022 18:06:12 | 49.64 |
| **OSCAR MEBEL AND MCHJ** | 43 533 000.00 | 39 776 850.00 | 13.05.2022 16:56:03 | |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **OOO ONLINE SHOP** | 34 | | 34 |
| **OOO REAL LIFE BG** | 47 | 50 | 97 |
| **OOO MB PARTNERS BRILLANT** | 44 | 49.64 | 93.64 |
| **OSCAR MEBEL AND MCHJ** | 35 | | 35 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 82669 от 16.05.2022 года на приобретение Андижон шахар тиббиёт бирлашмаси ходимларини байрам муносабати билан тағдирлаш максадида маиший техникалар сотиб олиш определила победителем:

OOO REAL LIFE BG
306788921

и резервный исполнитель: OOO MB PARTNERS BRILLANT (308311398)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MIRZAAXMEDOVA MALIKA MANNAPOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAXKAMOV MULLAJON MIRZAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | YODGOROV SANJARBEK SOIBJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAMADALIYEV FARRUX JABARALIYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП